

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Хушвақтов Ўткир Темирович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17484557>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар жиноятчилигининг 2021–2024 йиллар давомидаги ҳолати таҳлил қилинган. Тадқиқотда Давлат статистика қўмитаси, миллий ва халқаро манбалар маълумотлари асосида жиноятчиликнинг умумий динамикаси, ижтимоий таркиби ва ҳудудий хусусиятлари ўрганилган. Таҳлил натижаларига кўра, 2021–2023 йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сонига ўсиш тенденцияси кузатишга бўлса, 2024 йилда мазкур кўрсаткичнинг пасайиши қайд этилган. Бу ҳолат давлат томонидан амалга оширилаётган профилактика чоралари, “Ёшлар дафтари” дастурлари ва таълим тизимидаги ислохотлар самарасини акс эттиради. Шу билан бирга, тадқиқот жиноятчиликнинг олдини олишда оила, таълим муассасалари, маҳалла ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Мақолада вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий ва психологик омиллар аниқланиб, профилактика тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар жиноятчилиги, профилактика, ижтимоий омиллар, таълим тизими, оила, маҳалла, ҳуқуқбузарлик, статистик таҳлил, диверсия, ресторатив адолат, ижтимоий мослашув.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги жамиятнинг маънавий, ҳуқуқий ва ижтимоий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, унинг кўлами ва динамикаси келажак авлоднинг ҳаёт сифати, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини белгилаб беради. Шу боисдан ҳам мазкур муаммо нафақат жиноятчиликнинг айрим кўриниши сифатида, балки жамиятдаги ижтимоий муҳит, тарбия тизими, оилавий муносабатлар ва таълим муассасалари фаолияти самарадорлигининг комплекс кўрсаткичи сифатида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда умумий жиноятчилик даражаси барқарор ҳолда пасайиб бораётганига қарамасдан, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларда маълум динамик ўзгаришлар кузатишмоқда. Бу ўзгаришлар айрим ҳудудларда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва ижтимоий девиант хулқнинг ўсиши билан, айрим ҳолларда эса ижтимоий ва ахборот муҳити, интернет макони ва виртуал таъсир омилларининг кучайиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, мазкур жараёнларда оилавий муҳитдаги носоғлом психологик муносабатлар, таълим муассасаларида профилактик ва тарбиявий ишлар самарадорлигининг етарли

<sup>1</sup>Умирзаков Б.А., Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2021.–Б.199.

эмаслиги, маҳалла ва жамоат институтларининг профилактикадаги иштироки етарли даражада эмаслиги каби омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтаи назардан, вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммоси нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, педагогик, психологик ва виктимологик жиҳатлар билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, унинг олдини олиш самарадорлиги давлат, жамоатчилик ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик даражасига бевосита боғлиқдир<sup>2</sup>.

Мазкур тадқиқотнинг илмий ва амалий мақсади Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг бугунги ҳолатини статистик маълумотлар ва амалиёт мисоллари асосида таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш ҳамда мавжуд профилактика тизимининг кучли ва заиф жиҳатларини белгилаб, уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таҳлил учун турли бирламчи ва иккиламчи манбалардан ўрганилди. Бирламчи манбалар сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (stat.uz)нинг 2021–2024 йилларга оид расмий ҳисоботлари, шунингдек, “Kun.uz” ва “UzDaily.uz” ахборот нашрларида эълон қилинган жиноятчиликка оид расмий маълумотлар таҳлилга асос бўлди. Шу билан бирга, халқаро ташкилотлар, хусусан UNICEF, ЮНФПА ва ЕХҲТнинг болаларни ҳимоя қилиш, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда диверсия (diversion) ва ресторатив адолат (restorative justice)<sup>3</sup> моделларини жорий этишга доир ҳисоботлари ҳам қўлланилди.

Манбалар 2021, 2022, 2023 ва 2024 йилларни қамраб олган бўлиб, улар орқали вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг умумий сони, турлари, ҳудудий тақсмоти ҳамда ижтимоий омиллар билан боғлиқ тенденциялар аниқланди. Таҳлил жараёнида қиёсий-статистик, таркибий ва тенденция таҳлили усуллари қўлланилди. Шунингдек, маълумотларни баҳолашда мақсадли (targeted) ва дескриптив (tasviriy) таҳлил услубларидан фойдаланилди, бу эса жиноятчилик динамикасини нафақат рақамли кўрсаткичлар, балки ижтимоий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини берди.

*Биринчи таҳлил:* 2021 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жами жиноятлар 2 595 тани ташкил этади (шундан 2151 таси 16-18 ёшгача бўлганларга таааллуқли), 100 минг аҳолига нисбатан 6,5 тага, жиноят сонига нисбатан 2 фоизга, жами жиноят содир этган шахсларнинг 3,2 фоизини ташкил қилган. Шундан 2 131 нафари укувчилар бўлиб, 82,1 фоизни ташкил этган. Ўқимайдиган, ишламайдиган вояга етмаганлар 224 нафарни яъни 8,6 фоизни ташкил этган<sup>4</sup>.

2022 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жами жиноятлар 3 112 тани ташкил этади (шундан 2 434 таси 16-18 ёшгача бўлганларга таааллуқли), 100 минг

<sup>2</sup> Мирсалихова Г.А., Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши. Мақола. Innovative developments and research in education International scientific-online conference. –Б.51-59.

<sup>3</sup> Ресторатив адолат (инглизча restorative justice) — бу жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин фақат жиноятчини жазолашга эмас, балки жабрланувчи, жиноятчи ва жамият ўртасидаги бузилган муносабатларни тиклашга қаратилган адолат концепциясидир.

<sup>4</sup> O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi. Huquqbuzarlik/ Jinoyatchilik statistikasi.// Jinoyat sodir etganligi aniqlangan 13-17 yoshdagi shaxslar soni. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>.

аҳолига нисбатан 3,2 тага, жиноят сонига нисбатан 2,3 фоизга, жами жиноят содир этган шахсларнинг 3,5 фоизини ташкил қилган. Шундан 2541 нафари укувчилар бўлиб, 81,6 фоизни ташкил этган. Ўқимайдиган, ишламайдиган вояга етмаганлар 571 нафарни яъни 18,3 фоизни ташкил этган<sup>5</sup>.

2023 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жами жиноятлар 3 599 тани ташкил этади (шундан 2 855 таси 16-18 ёшгача бўлганларга таааллуқли), 100 минг аҳолига нисбатан 3,2 тага, жиноят сонига нисбатан 3,3 фоизга, жами жиноят содир этган шахсларнинг 4 фоизини ташкил қилган. Шундан 2698 нафари укувчилар бўлиб, 74,9 фоизни ташкил этган. Ўқимайдиган, ишламайдиган вояга етмаганлар 901 нафарни яъни 25 фоизни ташкил этган<sup>6</sup>.

2021 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жами жиноятлар 3 364 тани ташкил этади (шундан 2 998 таси 16-18 ёшгача бўлганларга таааллуқли), 100 минг аҳолига нисбатан 3,2 тага, жиноят сонига нисбатан 2,4 фоизга, жами жиноят содир этган шахсларнинг 5,6 фоизини ташкил қилган. Шундан 2898 нафари укувчилар бўлиб, 84,9 фоизни ташкил этган. Ўқимайдиган, ишламайдиган вояга етмаганлар 99 нафарни яъни 3,1 фоизни ташкил этган<sup>7</sup>.

Юқоридаги таҳлил асосида шуни таъкидлаш жоизки, 2021–2024 йиллар давомида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ва таркибида кузатилган ўзгаришлар Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши давлат сиёсатининг айрим самарали йўналишларини кўрсатиш билан бирга, профилактика тизимидаги ечим талаб этувчи муаммоларни аниқлаб беришга хизмат қилмоқда.

*Биринчидан*, умумий рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2021 йилда вояга етмаганлар иштирокида 2 262 та жиноят қайд этилган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 3 421 тагача ўсган, яъни икки йилда қарийб 51,2 фоизга кўпайган. Бу ўсиш жиноятчиликнинг айрим турларида — айниқса мулкка қарши жиноятлар ва гуруҳ ҳолатида содир этилган ҳуқуқбузарликларда — сезиларли бўлган. Бироқ 2024 йил натижаларида жиноятлар сони 3 144 тага камайдигани профилактика фаолиятида муайян ижобий тенденциялар намоён бўлаётганидан далолат беради. Бу пасайиш, аввало, ҳудудий ички ишлар органларининг мақсадли профилактика чоралари ва диверсия (судгача интервенция) элементларини пилот шаклда жорий этиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

*Иккинчидан*, таҳлилда жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳолати ўта муҳим индикатор сифатида қайд этилди. 2021–2022 йилларда ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар улуши мос равишда 8,6 ва 18,3 фоиз бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 25 фоизгача ошган, яъни ҳар тўртинчи жиноятчи ёш таълим ёки меҳнат тизимидан четда бўлган. Бу ҳолат профилактика ишларида таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги ҳамкорлик етишмаслигини очиб берди. Шу билан бирга, 2024 йилда ушбу улуш 3,1 фоизгача кескин камайдиган, бу эса “Ёшлар дафтари” орқали амалга

<sup>5</sup> O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. Huquqbuzarlik/ Jinoyatchilik statistikasi.// Jinoyat sodir etganligi aniqlangan 13-17 yoshdagi shaxslar soni. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>.

<sup>6</sup> O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. Huquqbuzarlik/ Jinoyatchilik statistikasi.// Jinoyat sodir etganligi aniqlangan 13-17 yoshdagi shaxslar soni. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>.

<sup>7</sup> O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. Huquqbuzarlik/ Jinoyatchilik statistikasi.// Jinoyat sodir etganligi aniqlangan 13-17 yoshdagi shaxslar soni. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>.

оширилаётган мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мактабга қайтариш дастурларининг амалда самара берганини кўрсатади.

*Учинчидан*, таҳлил натижалари вояга етмаганлар жиноятчилигидаги ўсиш ёки пасайиш фақат ҳуқуқий чоралар эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Камбағаллик даражаси юқори ҳудудларда жиноятчиликнинг ўсиши кузатилган бўлса, таълим ва касбий тайёргарлик тизими фаол жойларда аксинча, пасайиш тенденцияси қайд этилган. Демак, ижтимоий адолат, таълим ва бандлик сиёсати профилактиканинг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим.

*Тўртинчидан*, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 2024 йилда ўқувчилар орасида жиноятчилик улуши 84,9 фоизга етган, бу рақам биринчи қарашда салбий кўриниши мумкин, аммо бунда жиноят қайд этилишида ҳисобот тизими такомиллашгани ва маълумотлар очиқлиги ошгани ҳам таъсир қилган. Шу билан бирга, мактаб муҳитида конфликтлар ва назорат муаммолари сақланиб қолмоқда, бу эса педагогик профилактика тизимини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

*Хулоса сифатида*, 2021–2024 йиллар таҳлили вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий динамикасида икки хил тенденцияни кўрсатмоқда:

Бир томондан, 2021–2023 йилларда ўсиш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу ижтимоий-иқтисодий беқарорлик ва таълимдан четлашиш жараёнлари билан боғлиқ;

Иккинчи томондан, 2024 йилда кузатилган пасайиш давлат томонидан амалга оширилган профилактика ва ижтимоий реабилитация дастурларининг муайян самара берганини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, жиноятчиликнинг таҳлил қилинган ҳолати профилактика ишларига қисман ижобий, аммо етарлича тизимли бўлмаган баҳо бериш имконини беради. Келгусидаги асосий вазифа маълумотлар мониторингини марказлаштириш, мактаб ва маҳалла тизимларини интеграциялаш ҳамда ёшларнинг ижтимоий мослашувига қаратилган комплекс дастурларни кенгайтиришдир.